

## МАКТАБ 7-СИНФ ЗООЛОГИЯ ДАРСЛИГИДАГИ “СУВ ВА СОҲИЛ ҚУШЛАРИ” МАВЗУСИНИ ПРЕДМЕТЛАРАРО БОГЛANIШЛАР ВОСИТАСИДА ЎТКАЗИШНИ ДАРС ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАШГА ОИД БАЪЗИ КЎРСАТМАЛАР

Зокиров Козимжон XXX

Андижон давлат университети биология фанлари номзоди, доцент

Ахмедова Одинахон Хатамовна

Андижон давлат университети, ўқитувчи

Зокиров Одилжон Козимжонович

Андижон давлат университети, ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7370458>

**Аннотация.** Мақолада 7-синф зоология фанидаги “Сув ва соҳил қушлари” мавзусини предметлараро боғланишлар воситасида ўрганишининг дарс лойихасини ишилашга оид услубий кўрсатмалар берилади.

**Калит сўзлар:** яшаи муҳити, сув муҳити, сув қушлари, гозсимонлар, ўрдаклар, пингвинлар, соҳил қушлари, лайлаксимонлар, механик харакат, траектория, иссиқлик, мувозанат, масса маркази.

## НЕКОТОРЫЕ УКАЗАНИЯ ПО РАБОТЕ ПРОЕКТА УРОКА ПО ТЕМЕ "ВОДНЫЕ И БЕРЕЖНЫЕ ПТИЦЫ" ЧЕРЕЗ МЕЖПРЕДМЕТНЫЕ СВЯЗИ В ШКОЛЬНОМ УЧЕБНИКЕ ПО ЗООЛОГИИ 7 КЛАССА

**Аннотация.** В статье приводятся методические указания для разработки проекта урока с использованием межпредметных связи темы: “Водные прибрежные птицы” зоологии 7-класса.

**Ключевые слова:** среда обитания, водная среда, водоплавающие птицы, гусеобразные, утки, пингвины, прибрежья, аистообразные, механическое движение, траектория, температура, равновесия, центр массы.

## SOME INSTRUCTIONS ON THE WORK OF THE DRAFT LESSON ON THE TOPIC "WATER AND CAREFUL BIRDS" THROUGH INTER-SUBJECT RELATIONS IN THE SCHOOL TEXTBOOK ON ZOOLOGY GRADE 7

**Abstract.** The article provides guidelines for the development of a draft lesson using interdisciplinary connections of the topic: “Water coastal birds” of 7th grade zoology.

**Keywords:** habitat, aquatic, waterfowl, anseriformes, ducks, penguins, coasts, storks, mechanical movement, trajectory, temperature, balances, center of mass.

**Мавзу лойиҳасини ишилаш учун керакли материаллар, жиҳозлар:** сув муҳити хусусиятларини акс эттирувчи расм, тақдимотлар; сув қушларининг турларини акс эттирувчи жадваллар, видеолавҳалар; сув қушларининг тулумлари; О. Мавлонов. Зоология 7-синф дарслиги Тошкент. 2017. 206 бет. О.Мавлонов Н.Тошманов. Зоология дарслари. 7-синф. Ўқитувчи китоби. Тошкент -2012. 238 бет. Н.Ш. Турдиев 6-синф физика дарслиги.Тошкент-2017, 174 саҳифа. И.Р. Асқаров, Н.Х.Тўхтабоев, К.Ф.Фофуров Кимё. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. Тошкент-2017, 157 саҳифа. В.М.Варикаш, Б.А. Кимбар, И.М. Варикаш. Жонли табиатда физика Тошкент, “Ўқитувчи” 1988 ,94 саҳифа

Мавзуга оид қисқача назарий материалар. Ёшларни экологник жиҳатдан илмий – амалий қараашларини ҳосил қилиш, такомиллаштириш таълими олдида турган долзарб муаммоалрадан биридир.

Маълумки, барча табиий фанлар бир хил объект яъни табиатни ўрганиш билан шуғулланади. Шу сабабли умумтаълим мактабларида ўқувчиларга биология, кимё, физика, география каби табиий фанлар ўқитилиб ўқувчиларга табиат бир-бирлари билан мустаҳкам боғланган ноорганик ва органик оламининг ўзаро бирлиги эканлиги, унда юз берадиган кимёвий, физиковий ва биологик ходисалар ҳам бир-бирлари чамбарчас, боғликликдаги дунёнинг ягона манзараси тўғрисидаги илмий қараашлар ўргатилади. Турли фанлар, жумладан зоология ўқитишида предметлар аро боғланишлардан фойдаланишида ўқувчиларнинг ҳайвонларнинг табиатда тарқалиши, гавдаларини тузилиши, ҳаётин жараёнлари тўғрисидаги материалларни география, кимё, физика каби фанларнинг қонунлари, қоидалари ва асосий тушунчалари билан муштаракликда ўргатиш ўқувчиларни шу фанлардан ўзлаштирган билимларни эсга тушириб, такрорлаб туришларига ҳам хизмат қилган бўлар эди. Бироқ мактабларда олиб борилаётган ўқуттарбия ишларини ўрганар эканмиз барча ўқитувчилар ҳам бу масалага етарли эътибор бермаслиги, предметлар аро боғланишлардан фойдаланмасдан ўзлари ҳоҳлаганича таълим бериши кузатилмоқда. Таълимда предметлараро боғланишлардан мунтазам фойдаланиш ёшларни келгусидаги амалий фаолиятларида, жамият ҳаётидаги табиий ва техниковий масала ва муаммоларни ижобий ҳал қилишга ҳам ўргатиб борар эди. Ахир фанлар аро бирлашувлар заминида янги бионика, биофизика, биокимё, биогеография рухшунослик каби янги фанларнинг пайдо бўлганлигини ўзи бу йўналишнинг қанчалик мухим, зарур эканлиги тасдиқланмоқда.

Шу сабабли умумтаълим мактабаларида фанлар аро боғланишлар масаласига оид адабиётларни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Услубий адабиётларни ўрганар эканмиз чет мамалакатларида бу масалага етарли эътибор берилаётганлиги кўрдик. Жумладан Россиялик Б.В. Всесвятский [1], В.Р.Ильченко [2], В.Н. Максимова [3,4] каби етук методистлар таълим жараёнида, жумладан биология ўқитишида фанлараро боғланишларга оид самарали ишлар олиб боришаётганлигини аниқладик.

Хайриятки, кейинги йилларда биология таълимида предметлараро боғланиш масаласида Ўзбекистонда ҳам айрим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунга мисол сифатида методистлардан Н.Т. Исмоилова [5], К.Зокиров, О.Собиров, О.Аҳмедова [6,7,8] кабиларнинг ишларини кўрсатамиз. Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб биз 7-синф зоология фанидаги “Сув хавзалари ва соҳил күшлари” мавзусини ўрганишида предметлараро боғланишлардан фойдаланишга оид дарс лойиҳасини ишлашга оид баъзи услубий кўрсатмаларни хавола қиласиз.

Умумтаълим мактаблари 7-синф зоология фанидаги мавзуларни ўқитишида ўқитувчиларни ўрганилаётган ҳайвонни яшаш мухитига морфологик, анатомик ва физиологик мосланишларини тушунтириш мухим услубий вазифалардан ҳисобланади. Бу эса дарсларда кўпроқ табиий фанлар бўлган география, кимё, физика каби табиий фанларнинг материалларидан фойдаланишликни талаб қиласиз. Бундай дарслар ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзуни мазмун ва моҳиятини янада чуқуроқ, теранроқ ўзлаштириб олишларига хизмат қиласиз. Предметлараро боғланишлари билан

ўтказилаётган дарслар мобайнида ўқувчилар бошқа предметлардан ўрганган билимларидан фойдаланиб янги ўрганилаётган мавзу материаллари билан боғлаган ҳолда пухта ўзлаштиришларига, ўзларига ёқмаган фанларга ҳам қизиқишилари ортиб кетади.

Мавзуларни предметлар аро боғланишлардан фойдаланиб ўтказиладиган дарс лойиҳаларини ишлашда ўқитувчи аввало, ўрганиладиган мавзудаги асосий тушунчалар гурухларни аниқлаб бу тушнчаларни география, кимё, физика ва математика фанларидағи қайси қонуният, қоидა ва материаллар воситасида ўрганиш имкониятларини аниқлаши керак бўлади. Жумладан, мавзу морфологик анатомик мазмунда бўлса уни ўрганишда мактаб география, кимё, ва физика фанлари материаллари, физиологик мазмундаги дарсларда эса организмда ўтадиган физик – кимёвий жараёнлар тўғрисидаги қўшимча материаллардан фойдаланишни талаб қиласди.

Мавзуларни предметлар аро боғланишлар воситасида ўтказишда ўқитиши методларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Дарсларда оғзаки методлардан фойдаланилганда ўқувчиларнинг фикрий қобилиятларини ортиши, тафаккур қилиш хусусиятларини ривожлантиришга эришилади. Кўргазмали методдан фойдаланишда эса организмларнинг тузилиши, ҳаётий жараёнларини акс этдирувчи тасвирий, натурал материаллар, ўкув жадваллари, тақдимотлар, расмлар, кабилардан фойдаланиб мавзуни кўриш анализаторлари орқали янада яққолроқ тассавур қилиш, амалий методдан фойдаланилганда эса мавзуга оид ўсимлик ва ҳайвонларни гербарий ва коллекциялари, лаборатория анжомларидан фойдаланиб уларни морфологик, анатомик тузилиш жиҳатларини амалий ишлар бажариш орқали бу жониворлар тузилишини янада теранроқ ўзлаштиришларига имкон яратилади. Жумладан, сув муҳитида яшовчи ҳайвонлар тўғрисидаги мавзуларда ҳам ўқитувчилар сув муҳитининг хусусиятлари, унда яшовчи жониворларнинг сувда яшашга мосланишлари каби муҳим тушунчалар асосида машғулотни олиб боришлари талаб қилинади. Ундан ташқари, бундай дарсларда ўқувчиларнинг кимё, физика каби фанларда мавжуд билимларидан фойдаланиш ҳам дарс самарадаорлигини ортиради. Юқоридаги мулоҳазалар асосида ўқитувчиларга 7-синф зоологиясидаги “Сув хавзалари ва соҳил қушлари” мавзусини лойиҳасини ишлашда предметлар аро боғланишлардан фойдаланишга оид баъзи услубий кўрсатмалар хавола қилинади.

“Сув хавзалари ва соҳил қушлари” мавзусини лойиҳасини ишлаш.

“Соҳил қушлари” мавзусининг дарс режа ва конспекти лойиҳасини ишлашда кўйида берилган вазифаларни бажаринг.

- дарс лойиҳаси мавзусининг номини ёзинг;
- мавзунинг ўрганишнинг илмий, ривожлантирувчи ва тарбиявий вазифаларни белгиланг;
- мавзунинг ўрганишдаги энг муҳим тушунчаларни аниқлаб бу тушунчаларни география, кимё, физика каби мактаб дарсларидаги қайси қонуният-қоидалар, тушунчалардан фойдаланиш йўлларини аниқланг.
- мазкур муҳум тушунчаларни ўрганиш учун зарур жиҳозлар, кўргазма воситалар, фойдаланилайдиган адабиётлар, ўқитиши методларини аниқланг.

Дарс лойиҳасида: -дарсни қандай ташкил қилишингизни кўрсатинг.

- Олдинги дарсда ўрганилган “Қушларнинг хилма-хиллиги: Воҳа ва чўл қушлари” мавзусини такрорлашнинг қандай ташкил қилиш учун саволларни танланг.

- Ўқувчилар берган жавобларни тинглаш, унга қўшимчалар киритиш масаласини ҳам эсдан чиқарманг.

- Аввалги дарсда ўтилган мавзу билан янги ўрганиладиган мавзуни ўзаро боғлаш, янги мавзуни келтириб чиқаришни амалга ошириш йўллари, воситаларини танланг.

- Мавзунинг ўрганишда ўқувчилар фаоллигини оширишга хизмат қилувчи қўшимча саволлар, ўқувчиларнинг бу соҳадаги фикр, мулоҳазаларини тинглаш, қўшимчалар киритиш масаласига эътибор қилинг.

- Янги мавзуни бошлашда аввало сув муҳити тўғрисида ўқувчилар билан сухбат ўтказишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун ўқувчиларни сув тўғрисидаги билимларини аниқлашга ҳаракат қилинг. Ўқувчиларга сув тўғрисидаги масалани янада тушунарли бўлиши учун сув тўғрисида 7-синф география (Ўзбекистон табиий географияси) дарслигидаги 41 параграф “Кўллари, сув омборлари ва еости сувлари” мавзудан фойдаланинг. Сув, унинг тирикликтининг асоси эканлиги, сувнинг кимёвий, физик хусусиятлари тўғрисда материалларни тушунтиришда ўқувчиларни сув ҳақидаги география, кимё фанларидан ўрганган билимларини аниқланг. Бунинг учун физикадаги суюқликларнинг хусусиятлари ҳақидаги- сув суюқ, ўз хажмини осон ўзгартирадиган саклаб туриши тўғрисидаги билимлар эсга туширилиши керак. Сўнгра сув тўғрисида ўқувчиларни билимларни янада бойитиш учун лойиҳага қўшимча сифатида 7-синф кимё фанидаги “Сув-мураккаб модда. Физик ва кимёвий хоссалари” номли 27-параграф материалидан фойдаланинг. Унда ўқувчиларга сув водород ва кислород атомларидан ташкил топганлиги, рангиз, хидсиз, таъмсиз суюқлик эканлиги, сувнинг физик хоссалари у ўзгариб ҳарорат таъсирида суюқ, қаттиқ ва газсимон шаклларга ўтиши, шунингдек юқори иссиқлик сигимга эга бўлиши туфайли тунда секин совуши туфайли қишида сувнинг ҳарорати атроф муҳитга қараганда анча иссиқ бўлиши кабилар ҳам сув қушларининг ҳаётига ижобий таъсир қилиши тушунтирилиши керак.

- Сувда яшовчи ҳайвонлар, уларнинг турли гурӯҳлари, турлари, сувда яшашга мосланишларини тўғрисидаги билимларни 6-синф физика дарслигидаги “Жисмларнинг механик ҳаракати. “Траектория” номли 18 -парагарф материалларидан фойдаланишни лойиҳага киритинг.

Сув молекулалари орсида ўзаро тортишувлар бўлгани учун унда сузадиган қушлар сувнинг қаршилигини енгиш учун қушлар гавдасида сузишга морфологик мосланишлар бўлиши, сузиш учун улар маълум куч, энергия сарфлашлари зарурлигини уқтириш керак. Қушларнинг сувда сузишига морфологик мосланишлари аввало уларнинг гавда шакллари, оёқларининг сувда яшашга мосланганлиги ўқувчиларга ўрдак ва ғозларнинг оёқ панжаларидаги сузгич пардаларига боғлиқлигини физик сабаблари, уларни олдинга томон тез сузиши учун катта хажмдаги сувни орқага итаришлари учун оёқларидаги сузгич пардалар кенг ва яssi бўлиши, оёқлар олдинги томонга ҳаракатланган пайтда сузгич пардалар букилиб сув қаршилигини камайтириб бериши, орқага итарилганда эса сузгич пардалар ёзилиб катта хажмдаги сувни қаршилигини осон енгишга хизмат қилишини 6-синф физикасидаги “Механик ходисалар ҳақида дастлабки маълумотлар” номли иккинчи боб материалларидан фойдаланасиз. Ундан ташқари, матндан сув қушлари ҳаётida пат парларини аҳамияти тўғрисидаги материалларни ҳам физикадаги “Иссиқлик ходисалари” номли тўртинчи боб материалларидан фойдаланиш лозим. Жумладан, ўқувчиларга ўрдаклар қаҳратон совук қишлиарда ҳам сувда бемалол сузиг юраверишади. Улар

совқатмайдими? саволини бериш керак. Албатта, саволга ўқувчилар берган жавоблар тўла бўлмаслиги учун тўғри жавоблар ҳам физик нуқтаи назардан қуидагича изоҳланади. “Жонли табиатда физика” номли китобда бу саволга (9): “Ўрдакларнинг танасини сувга ботган кўкрак ва тўш қисмлари зич, мўмисимон парлар билан қоплангани, улар ташқаридағ совуқларни ёмон ўтказиши, ундан ташқари қушлар пат ва парларини думғаза безларидан чиқиб турадиган ёғни тумшуқлари билан пат ва парларига тез-тез суркаб туришлари туфайли пат- патлар, ёғ қатлами сув қушлари танасига совуқ таъсир қилмай, совқотмай сувда юраверишини тушунтириш лозим. Ундан ташқари, сув қушларининг тумшуқларини сув юзаси ва остики томонларидаги озуқаларининг ушлашга мос ясси тузилиши кабилар ҳам физик қонунлар асосида тушунтирилиши туфайли бу масалалар ўқувчиларга организм ва муҳит орасидаги боғланишларни яққол тушунтиришга имкон беради. Лойихага дарсда дарслеклардаги материаллардан фойдаланиш, кўргазма қуроллар, тақдимотлар, доска имкониятларидан дарснинг қайси пайтларида ишлатиш кабиларни ҳам киритинг. Ундан ташқари, лойиҳа ишлашада адабиётлар рўйхатида берилган китоблардаги сув ва сув қушларига оид материаллардан фойдаланишга ҳаракт қилинг.

- Мавзудаги ғозсимонлар, пингвин ва лайлаксимонлар туркумига оид материалларни ўқувчилар билан сухбат, мунозара, кўргазмали методлар орқали тушунтиришга ҳаракат қилинг. Дарсга ўқувчилар фаоллигини ошириш учун қушлар узоқ жойларга учеб кетаётганида нега занжирсимон гала ҳосил қилишини ҳам физик жиҳатдан тушунтиришга ҳаракат қилинг. Қушларнинг кўчиш пайтида занжирсимон гала ҳосил қилиб олишлари сабаби энг кучли қуш олдинда учеб худи кема тумшуғи сувнинг қаршилигинит осон енгишига хизмат қиласди. Занжирсимон гала худди ўткир бурчакка ўхшashi, олдинги учётган қушнинг қанот қоқиши ҳаво тўлқинини ҳосил қилиб орқадаги заифроқ қушни қанот ҳаракатини енгиллаштириши, олдинда учётган қуш чарчаган пайтларида бошқалари билан навбатлашиб туришлари тушунтирилади. Шунингдек дарсингизда ўқувчиларга нега ўрдак ва ғозлар лапанглаб юради каби саволларни киритиб бу саволга ҳам физика қонунлари асосида жавоблар топишга ҳаракат қилинг. Бунинг физик сабабини яна “Жонли табиатда физика” китобидаги “Механика” номли биринчи боб материалларидан топамиз. Бу саволга китобда “ Ғоз ва ўрдак панжалари кенг жойлашган, шу сабабли улар юрганида мувозанатни сақлаш, яъни оғирлик маркази орқали ўтувчи вертикал чизик таянч нуқтаси панжалар орқали ўтиши учун лапанглаб (панжадан –панжага) юриши” кўрсатилади.

- Мавзудаги “Пингвинлар туркуми” га оид материалларни тушунтиришда ҳам 6-синф физикасидаги “Жисмларнинг мувозанати. Оддий механизмлар” номли учинчи боб материалларини ўрганинг. Унда пингвинларнинг нега тик юриши масаласини физикадаги “Жисмларнинг масса маркази ва унинг аҳамияти” номли 30-мавзуу материалларидан фойдаланинг. Шунингдек, соҳил қушларини ҳам соҳиллар, ботқоқликларда ҳаёт кечириши учун оёқ ва тумшуқлариниг мосланганлиги тўғрисидаги материалларни тушунтиришни физик нуқтаи назардан ўрганишга оид материалларни мустақил изланг, топинг.

- Сув қушларининг яшаш имкониятлари ёмонлашви, шу сабабли баъзи сув қушларини йўқолиб, инсонларнинг сувга бўлган муносабатлари тобора ёмонлашиб кетаётганилиги, сув хавзалари камайиб бораётганилигини яшаётган жойларимиздаги сой,

анхорлар, ариқлар мисолида тушунтиришни белгиланг. Орол денгизи фожеаси тұғрисидаги видеолавҳалар, тақдимотлардан фойдаланишга алоҳида эътибор беринг.

- Лойиҳада қушларининг муҳофаза қилишда инсонларнинг айниқса ёшларнинг вазифаларига алоҳида ургу беринг.

- Мавзунинг мустаҳкамлаш пайтида ўқувчилардан сув қушларини қандай муҳофаза қилиш имкониятлари тұғрисида фикр, мулоҳазаларини ҳам конспектта киритинг

Мазкур мавзу бўйича ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида ёшлар бу жониворларни қандай ҳимоя қилишдаги энг долзарб вазифаларини белгиланг.

- Ишни тугатганингиздан сўнг бажарган дарс лойиҳангизни яна бир қўриб, қўшимчалар киритинг. Мактаб кимё ва физика ўқитувчилари билан биргаликда ишлаган дарс лойиҳангизни қўриб бу ўқитувчиларнинг лойиҳага оид фикр-мулоҳазалари, маслаҳатлари бўйича ишга қўшимчалар киритинг.

- Уйга вазифа сифтида дарсликдаги 48-мавзу материаларини ўрганиб, мавзу охиридаги саволларга дарсликдан жавоблар топиб келишлари топширилади.

## Хулоса

Мактаб биология фанларини табиий фанлар материаллари билан қўшиб, таълим бериш ўқувчиларни ўқув мавзуларини комплекс равишда ўрганиш муносабатда бўлиш, уларнинг ижодий салоҳиятларини илмий тафаккур қилиш хусусиятларини ривожлантиради, дарс материалларини янада чуқуроқ, теранроқ ўзлаштириб олишларига хизмат қиласи. Ундан ташқари, бундай боғланишлари билан ўтказилаётган дарслар мобайнида ўқувчилар ўзларига ёқмаган фанларга қизиқишлиари ортади. Бундай дарсларда ўзлаштириб олган билимлари уларнинг келгуси мустақил фаолиятларida учровчи турли амалий масалаларни самарали хал қилишларига ҳам хизмат қиласи.

## REFERENCES

1. Всесвятский Б. В. Системный подход к биологическому образованию в средней школе. — М.: Просвещение, 1985.
2. Ильченко В. Р. Перекрестки физики, химии и биологии. — М.: Просвещение, 1986.
3. Максимова В. Н. Межпредметные связи в учебно-воспитательном процессе современной школы. -М.: Просвещение, 1986.
4. Максимова В. Н. Межпредметные связи в процессе обучения, -М.: Просвещение, 1989.
5. Исмоилова Н.Т Межпредметн<sup>ке</sup> связи в обучение биологии и химии, функции межпредметн<sup>х</sup> связей М.: Журнал: «Евразийский Научный Журнал №10 2018» (октябрь, 2018) Рубрика: Педагогические науки
6. Зокиров К., О.Собиров, О.Аҳмедова. Одам ва унинг саломатлиги фанининг ўқитишида предметлараро боғланишлардан фойдаланиш. “Молодой ученый” Международный научный журнал. Москва -2020, № 46.
7. Зокиров К. О.Собиров, О.Аҳмедова. Зоология (7 синф) таълимида предметлараро боғланишлардан фойдаланиш. Табиий фанларнинг замонвий ютуқлари ва ўқитишида инновациялар. Республика илми-амалий анжумани (ТДПУ) 2021.
8. Зокиров К. ва бошқ. Биология таълимида кимё материалларидан фойдаланиш. “Товарлар кимёси ҳамда ҳалқ табобати муаммолари ва истиқболлари”мавзусида 8-республика анжумани материаллари 2021 й.
9. Варикаш В.М, Кимбар Б.А., Варикаш И.М. Жонли табиатда физика Тошкент, “Ўқитувчи” 1988 й.
10. P. G'ulomov, H. Vahobov. Geografiya. T.: O‘qituvchi» 2017 й